SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 21-noyabr • Seshanba • 138 (27.629) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● Озод юрт иншоотлари





# СУВ ВА НУР МАНБАЛАРИ

## ЯРАТАЁТГАН БУНЁДКОРЛАР ҲАҚИДА



Президентимиз Ислом Каримов «Тўпаланг сув гидроэлектр станцияси қурилиш» масъулияти чекланган жамият ҳамда «Тўпаланг сув омбори қурилиш ва ундан фойдаланиш дирекцияси»жамоалари амалга ошираётган улуғвор ишлар истиқболи ҳақида шундай деганди:

**«...Бу ерда амалга оширилаётган яна бир улкан лойиҳа – Тўпаланг сув омбори қурилиши ҳам давом этаётганидан, ўйлайманки, хабардорсиз. Ўзига 500 миллион куб метр сувни сиғдира оладиган ушбу йирик иншоот қуриб битказилганидан сўнг вилоятда деҳқончиликни ривожлантириш йўлида янги уфқлар очилади. Буларнинг барчаси мана шу воҳада яшаётган одамлар учун ҳар тарафлама қулайликлар туғдириши, уларнинг ҳаётини фаровон этишга хизмат қилиши шубҳасиз».**

**1990 йилларда** ҳавзада 20 миллион куб метрдан ортиқ сув йиғилиб, 500 гектардан ортиқ қўшимча ер майдонини суғоришга имконият яратилди. **1992 йилда** 30 миллион куб метрдан ортиқ сув тўпланди. Тўғон баландлиги 30 метрдан ошди.

Истиқлолнинг **учинчи йилида** эса иш суръати икки баробар ортди. Асосий иншоот — тўғонга 1 миллион 600 минг тонна қум, шағал, тупроқ, тош ётқизилди. Бир сўз билан айтганда 422 миллион 622 минг сўм ўзлаштирилди. Бу пайтга келиб, ҳавзада 50 миллион куб метр сув тўпланганди. **1994 йилда** эса сув ҳажми яна 10 миллион куб метрга кўтарилди.

Шу билан бирга бу ерда гидроэлектр станцияси қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Қувватти 175 мвт., йиллик электр энергия ишлаб чиқариши — 574 минг квт. га тенг. Икки қурилиш — сув омбори ва ГЭС жадал давом этди.

... Аср бошларида бир йилнинг ўзида тўғонга 7,2 миллион метр куб тоғ жинслари, 320 минг куб метр шағал ётқизилди. 945 минг куб метр тупроқ ишлари уддаланди. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида Тўпалангда 120 миллион куб метр сув йиғиш имкони туғилди.

2-бет

● Мустақиллик мафкураси

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

**Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бу масалалар ҳозир ўта долзарблигини яна бир бор англатди**

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг миллий мафкураси ўзида бутун бир миллат, бутун бир халқ эътиқодини жипслаштирувчи муқаддас ғояларга таянади. Бизнинг фикримизча, «Ўзбекистон, ўзбек халқи жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши лозим», деган бош ғоя миллатимиз ва жамиятимизни бирлаштирувчи, уни улуғ мақсадлар сари руҳлантирувчи байроқдир. Ушбу ғоя негизида миллий мафкуранинг устувор йўналишлари аниқланади. Бу йўналишлар жам бўлиб унинг концепциясини ташкил этади.

Хўш, мустақил Ўзбекистон миллий мафкураси концепциясининг асосий ўзак жиҳатлари ва уни шакллантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Биринчидан, миллий мафкурани шакллантириш асосида миллий ўзликни англашни чуқур ҳис этиш ётади. Инсоннинг миллий ўзлиги эса фуқаролик туйғуси, ўз она-юрти билан ғурурланиши билан узвий қўшилиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Ҳозирги кунда республикамизда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Шу сабабли миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш миллий мафкурани шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда диёримиздаги миллатлараро тотувликнинг қадимий илдизларига, ўзбек халқининг бағрикенглиги ва олийҳимматлигига таяниш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон бой тарихий ўтмишга, ўзбек халқи эса улкан миллий меросга, урф-одат ва анъаналарга эга. Мустақил Ўзбекистон мафкураси миллий, шу жумладан диний қадриятлар, халқнинг бой тарихий анъаналарига асосланган ҳолда шаклланиб, жаҳон маданияти ва тараққиёти ютуқларини, умуминсоний қадриятларини эгаллашга ҳамда уларни бойитишга йўналтирилган.

Қолаверса, Ўзбекистон аҳолиси ёшларнинг салмоғи кўплиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Шундай экан, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш миллий мафкурамизнинг энг муҳим йўналиши ва амалий вазифаси бўлиб қолиши шубҳасиз. Хўш, ўсиб келаётган авлод қандай ғоялар асосида тарбияланиши, қандай идеалларга интилиши зарур? Президентимиз қандай мафкура ва тафаккур бугунги ёшларнинг қуроли бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритиб: «Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши керак», — деб таъкидлаган эдилар.

Миллий ғоя ва мафкура, энг аввало, мустақил Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тотувликка асосланади. Бу эса давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек, мустақиллик даврининг энг катта ютуғидир. Шу ўринда ушбу қадриятларни ва уларнинг ўлмас аҳамиятини тушуниш Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи онгида кундан-кунга ўсиб бораётганини айтиб ўтиш лозим. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижалари ҳам бундан далолат беради.

Жумладан, **Ўзбекистоннинг кўпчилик фуқаролари мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ва тартиб таъминланишини давлатнинг энг муҳим вазифаси деб билади.** Кўпчилик респондентларнинг фикрича, республика раҳбарияти ушбу вазифани муваффақиятли уддаламоқда, чунки давлатимизнинг замонавий ҳолатида айнан мана шу сифатнинг мавжудлиги кўпчилик фуқаролар томонидан юқори қадрланади.

2-бет

«ОБУНА — 2007»

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — бу Сизнинг газетангиз!**

2006 ЙИЛ давомида кўплаб долзарб мавзуларда чиқишлар қилган, келгуси йилда ҳам одамлар дилидаги гапларни айтишни режалаштирган газета!

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва сўллик позициясидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммоларга энг кўп эътибор қаратадиган, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиладиган газета.

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» —**
**бу Сизнинг овозингиз, Сизнинг газетангиз!**

*Агар келгуси йилда ҳам газетамизда ўзингизни қизиқтирган ёки кўпчиликни ўйлантириб келаётган мавзулардаги таҳлилий, танқидий, мулоҳазали мақолаларни, суҳбатларни ўқишни истасангиз, дунёда бўлаётган жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз*

***2007 йил учун газетамизга обуна бўлинг!***

**Нашр индекси: 220**

● ЎзХДП ҳаёти

# ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИКЛААРИ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашида «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш» масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Фарғона вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, раис ўринбосарлари, ХДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари ва журналистлар иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси М.Исоқов очиб, муҳокама этилаётган мавзунинг мақсад ва вазифалари, партия кенгашларининг бу борадаги қилажак ишлари хусусида тўхталди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизими, қонунчиликда ҳам катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳага бир қатор янги қонунлар қабул қилиндики, улар дунё тажрибасидаги энг демократик, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қиладиган қонунлар даражасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар, қонунларнинг либераллашуви, 2008 йил январь ойидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва санкциялар бериш ваколатининг суд идораларига ўтказилиши ҳамда бу соҳадаги бошқа кўплаб ўзгаришлар ҳақида иштирокчилар фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Алишер ИБОДИНОВ**

# СИЁСАТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Музработ педагогика касб-ҳунар коллежида ЎзХДП Марказий Кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Замонавий сиёсатда аёлнинг ўрни ва роли» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Сурхондарёнинг олис ва чекка қишлоқ туманларидан бири Музработда бундай тадбир ташкиллаштиришдан асосий мауддао, партиянинг дастурий мақсадларини ҳар бир фуқаро қалбига етказиш баробарида, партиянинг асосий электорати бўлган аёлларнинг яшаш тарзи ва турмуши билан чуқурроқ танишиб дилдан суҳбатлашиш, уларни қийнаётган муаммолар борасида фикр-мулоҳазаларини билиш ва ечимини излашдир.

Партия фаоллари, маҳалла қўмиталари раислари, жамоат ташкилотларининг фаол хотин-қизлари, маҳалла қўмиталарининг диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ўқитувчилар, талабалар, шифокорлар, туман Кенгаши депутатлари иштирок этган йиғинда жамиятда аёлларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан бири эканлиги хусусида фикрлар айтилди.

— Хотин-қизлар фаоллиги ва уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга бағишланган йиғин биз ёшларда катта таассурот қолдирди, — дейди Музработ педагогика коллежи 3-курс талабаси Р.Ҳусанова. — Ҳар биримиз ўз бурчимиз ҳамда вазифаларимиз нималардан иборат эканлигини яхшироқ билиб олдик...

Тадбирда ХДП Музработ туман кенгаши раиси Б.Бобоев тарғибот-ташвиқот ишларида кўпроқ фаол аёлларни жалб этиш орқали анча ижобий силжишлар бўлаётганини таъкидлади.

Тадбир сўнггида коллежнинг бир гуруҳ талаба қизлари ЎзХДП Дастури уларга маъқул бўлганини ва партияга аъзо бўлиш хоҳишлари борлигини билдиришди.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ**

## БУ ҲАҚДА... !

**«Бу ҳаёт, бу умр бамисоли Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетар, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий яшайди. Ишончим комилки, Хоразм Маъмун академияси алломалари бизга, башарият аҳлига қолдирган бой илмий мерос завол билмайди, ҳеч қачон ўзининг қиммати ва аҳамиятини йўқотмайди.**

**Буюк олимлар ва мутафаккир зотлар, азиз-авлиёлар ва енгилмас саркардаларга бешик бўлган муқаддас диёримиз уларнинг муносиб давомчилари бўлмиш бугунги авлод вакилларига ҳам куч-қувват ва қанот беради, халқимиз орасидан янги-янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синоларни тарбиялаб вояга етказади.»**

***БУ ҲАҚДА мамлакатимиз Президенти Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги (2006 йил 2 ноябрь) нутқида таъкидлади.***

## МЕҲМОН

**Кўрдим гўзал экан дунё чорбоғи,**
**Ғоят кўркам экан дарёси, тоғи.**
**Меҳмонман, асрагил мени ҳам бугун,**
**Майли, бир гап бўлар ундан нарёғи.**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2006 йил 20 ноябрь.**

● Бокс

# РУСЛАННИНГ ОЛАМШУМУЛ ҒАЛАБАСИ

**У америкалик машҳур боксчи Жон Руизни мағлубиятга учратди. Энди ҳамюртимиз келаси йилнинг январь ойида олтин камар учун россиялик жаҳон чемпиони Николай Валуевга қарши рингга чиқиши кутилмоқда**

Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида профессионал бокс бўйича навбатдаги рейтинг жанглари ўтказилди. Улар орасида ўта оғир вазн тоифасида ҳамюртимиз Руслан Чагаев ҳамда америкалик собиқ жаҳон чемпиони Жон Руиз учрашуви кўпчиликда олдиндан катта қизиқиш уйғотаётганди. Ўтган йили 17 декабрь куни уюштирилган жангда россиялик Николай Валуевга ютқазиб қўйган жаҳон чемпиони Жон Руиз бу жангда мабодо ғалаба қозонгудек бўлса, реванш учрашувида рингга чиқиш имкониятини қўлга киритарди. Агар Руслан муваффақият қозонса, ҳамюртимиз WBA таснифи бўйича тўғридан-тўғри олтин камар даъвогарига айланарди.

Ўта оғир вазнли боксчилар ўртасида уч йил давомида WBAнинг олтин камарини ўзида сақлаган Руиз ушбу жанггача 49 маротаба рингга кўтарилган. Унда 41 (28 таси нокаут билан) ғалаба ва бир дурангга эришган. Етти учрашувда эса мағлубиятга учраган эди.

Руслан Чагаевнинг ҳисобида 22 та учрашув бўлиб, унинг 21 тасини (17 нокаут) ўз фойдасига ҳал қилган. Биттасида дуранг натижа қайд этилганди.

Ана шу нуфузли мусобақадан бир кун аввал Кёльн шаҳрида бокс-шоу иштирокчилари тарозидан ўтишди. Унга кўра, 34 ёшли Жон Руизнинг вазни 107,955 (238 фунт) килограммни ташкил этган бўлса, 28 ёшни қаршилаган Русланнинг вазни 104 (228,3 фунт) килограммдан ошмади.

Жанг олдидан турфа башоратлар қанчалик кўп бўлмасин, барча масалага Дюссельдорфда ўтган ўн икки раундли учрашув ойдинлик киритди. Айрим раундларда собиқ жаҳон чемпиони Жон Руиз рақибидан бироз устунлик қилган бўлса-да, баҳс давомида ҳамюртимиз юксак маҳорат ва матонат кўрсатди. Учрашувнинг фақат 1, 2, 10 ва 11-раундларидагина ташаббусга эга бўлган америкалик боксчининг қолган раундларда иқтидорли Руслан Чагаевдан устун жиҳатларини кўрсатишга қурби етмади. Ҳамюртимизнинг чапдастлиги, аниқ зарбалари натижасида рақибини очколар ҳисобида доғда қолдирди — 117:111, 116:112, 114:115.

— Руслан ўз фаолияти давомидаги энг буюк ва унутилмас жангини ўтказди, — дейди унинг мураббийи Михаэль Тимм. — Машҳур боксчи устидан қозонилган оламшумул ғалаба эса Чагаевнинг шуҳратига янада шуҳрат қўшади.

Руслан Чагаевнинг 18 ноябрда эришган ғалабасида рамзий маъно бор. Негаки, шу куни Давлатимиз байроғи қабул қилинганига ўн беш йил тўлди. Боксчимизнинг бу ғалабаси шу санага ажойиб совға бўлди.

Шундай қилиб, профессионал бокс оламида Жон Руиздек номдор боксчини мағлубиятга учратган Руслан Чагаев ўз ҳисобидаги ғалабалари сонини 22 тага етказди. Ҳамюртимизнинг бу муваффақияти унга энди WBA таснифида олтин камар учун рингга кўтарилиш имконини беради. Келгуси йилнинг январида уюштирилиши кутилаётган мазкур муҳим жангда Руслан Чагаев WBAнинг амалдаги жаҳон чемпиони Николай Валуев (Россия)-га қарши рингга чиқади.

**Эркин ХОЛБОБО**



**Суратда:** Руслан Чагаев ва Жон Руиз.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» -- ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

# ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

### КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда депутатлар дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масалалар юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоиловнинг ахбороти тингланди. Иккинчи ўқишда тақдим этилаётган мазкур лойиҳаларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни соддалаштириш, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш орқали алданиб қолган томоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш кўзда тутилган.

Фракция йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган бўлиб, коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг асосий мақсадлари сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчликни сақлаш, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, аъзо давлатларнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини коллектив асосда муҳофаза қилишдан иборатдир.

Депутатлар «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш)ни ҳам муҳокама қилдилар. Ушбу масала бўйича Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Аслиддин Рустамов ахборот берди. Иккинчи ўқишда тақдим этилаётган лойиҳада Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариладиган тузнинг йодланиши мажбурийлигини қонунийлаштириш, тегишли давлат органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатларини аниқлаштириш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш, сақлаш, сотиш бўйича қонун талабларини бузганлиги учун жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган янги моддаларни киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш) Ўзбекистон Республикаси қонунни лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Анатолий Козловнинг ахбороти тингланди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 13-бандига мувофиқ тайёрланган. Тақдим этилаётган лойиҳада Солиқ кодексининг 14-моддаси 14-бандида кўзда тутилган имтиёзлар тасарруфида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари бўлган ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобига ўзларини илмий-техник дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва инновация ишларини бажарадиган вазирлик ва идоралар, ташкилотларга ҳам қўллаш таклиф қилинмоқда.

Депутатлар томонидан иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорининг 6-бандини ижро этиш юзасидан тайёрланган. Кейинги йилларда коммуникация тармоқларидан рангли металларни олиш мақсадида уларга шикаст етказилиши ҳолатлари, трансформаторларни, агрегатлар ва двигателларнинг ҳар хил узеллари, деталларини талон-торож қилиш натижасида халқ хўжалигига кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилмоқда. Фақат 2005 йилда ички ишлар органлари томонидан тергов қилинган жиноий ишлар бўйича 114 млн. сўмликдан ортиқ 33,7 минг метр телефон кабели, 802,1 минг метр электр сими, 8 тоннадан ортиқ мис, 18 тонна алюминий муомаладан мусодара қилинди ва давлатга қайтарилди. 2006 йилда тергов қилинган ушбу тоифадаги жиноий ишлар бўйича аниқланган зарар 70 млн. сўмдан ортиқ бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришларни киритиш таклиф қилинмоқда.

Фракция йиғилишида шунингдек, «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● **Мустақиллик мафкураси**

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мустақиллик йилларида ижтимоий яхлитлик сифатида бутун халқимизнинг миллий ўзликни англаши шаклланмоқда. ушбу жараён Ўзбекистонда яшаётган барча этник гуруҳларнинг нуқтаи назари яхлит ҳолда бирлашиши билан тавсифланади. Президент қайд этганидек, **«Миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак».** «Ижтимоий фикр» марказининг тадқиқотлари республика аҳолиси ушбу фикрга тўлиқ қўшилишини тасдиқлайди.

Бутун бир халқнинг барқарор туйғуси тўғрисида сўз борар экан, сўров натижалари «Сизнинг ўз миллатингизга мансубликни ҳис этишингиз нимада ифодаланади?» деган саволга ҳар икки респондентдан бири (56,3%) «Ўзим туғилган ва авлодларим яшаган маконга муҳаббат», 41,4 фоизи «ўз халқимга мансубликни ва у билан маънавий бирликни ҳис этиш» деб жавоб берганлигини кўрсатди.

Бизнингча, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси томонидан ўзини ўзбек халқининг бир бўлаги деб ҳис этиш ва тушуниш, ўз халқи, унинг тарихи ва маданияти билан фахрланиш, Ўзбекистоннинг келажагига ишонч миллий ўзликни англаш учун дастуриламал бўлиши керак. Бу миллий мафкуранинг асосини ташкил этади. Миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, жамиятнинг жипслашиши миллий мафкура концепциясининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Жамоатчилик фикрига биноан фуқаролик мана шундай жиҳат деб эътироф этилади. Сўраб чиқилганларнинг кўпчилиги (65%) ўзини энг аввало шу мамлакат фуқароси — ўзбекистонлик деб ҳис этади.

Миллий мафкура концепцияси ҳар бир ватандошимизда юртга муҳаббат, мадҳия, герб, байроқ каби давлатчиликнинг муқаддас белгиларини ҳурмат қилиш туйғусини тарбиялашга қаратилган қадриятларни ҳам ўз ичига олади. Бу ватанпарварлик намоён бўлишининг кўринишларидан биридир. Сўров натижалари «Сиз Ўзбекистон байроғини кўрганингизда ва давлат мадҳиясини тинглаганингизда нималарни ҳис этасиз?» деган саволга фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги (74,2%) ўз мамлакати ва халқи билан фахрланишни ҳис этаман деб жавоб беришини кўрсатди. Чуқур ватанпарварлик туйғуси респондентларнинг 78,4 фоизи Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳисоблаши ва уларнинг деярли 90 фоизи бошқа мамлакатда яшашни истамаслиги, «Ўзбекистондан яхши мамлакат жаҳонда йўқ» деб таъкидлаши билан тасдиқлайди.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — халқнинг анъаналари ва урф-одатларини ўзида мужассам этган маҳаллалар тикланди. Шу сабабли миллий мафкура концепциясида ижтимоий-маданий организм сифатида маҳалла тўплаган энг яхши тажрибалар, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг барча ижобий жиҳатлари ҳисобга олинган. Буни сўров натижалари яна бир бор тасдиқлайди. Яъни, мамлакатимизнинг кўпчилик фуқаролари учун маҳалла уларнинг ҳаётида катта роль ўйнайди — респондентларнинг 64,7 фоизи мана шундай фикрни билдирди. Уларнинг мутлақ кўпчилиги (89,3%) асосан маҳалла тизимида қабул қилинган урф-одатларга амал қилади.

Юқорида таъкидланганидек, миллий мафкура концепциясида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга катта эътибор берилади. Ёшлар фавқулодда муҳим функцияни бажаришини ривожланишнинг олдинги босқичларида жамият томонидан ишлаб чиқилган моддий ва маънавий қадриятларнинг субъекти — вориси бўлиб хизмат қилишини ҳисобга олиш зарур. Авлодлар давомийлиги, ҳар бир жамиятдаги тарихий ривожланиш айнан ёшлар орқали амалга оширилади. Тарихий ривожланиш йўналиши ва суръатлари, унинг узвийлиги ёшлар қандай идеаллар, ахлоқ нормалари, иқтисодий босқичлар, сиёсат ва демократия принципларини қабул қилишига, қайсиларини инкор этишига боғлиқ.

Ёшлар мамлакатимиздаги барча ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ўзгаришларга тезкорлик билан муносабат билдирадиган қатлам ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, улар жамиятимизнинг тоталитар ўтмишнинг эскирган қарашлари ва андазалари босим ўтказмайдиган энг илғор қисмидир. Бу борада ҳам «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар. натижалари Ўзбекистон ёшларига юксак ватанпарварлик туйғуси хос эканлигини (89%), миллий ўзликни англаш туйғусини ҳис этишини, Ватанга фидокорона хизмат қилишга ва уни ҳимоялашга тайёр эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон XXI асрга ўз ривожланиш стратегияси билан кириб келди. Уни аниқ дастурлар билан бойитиш, амалий саъй-ҳаракатларнинг реал мазмуни билан тўлдириш давлатимиз олдидаги энг устувор вазифа ҳисобланади. Халқимиз ва барча мамлакатларнинг энг илғор ютуқларини ўзида қамраб оладиган миллий ғоя ва мафкура бу вазифаларнинг аниқ воситаси бўлиб хизмат қилади. Жуда кўп нарса халқимизнинг жипслиги ва бирдамлигига, мамлакатимизнинг келажаги йўлида ислоҳотларни давом эттиришдаги қатъиятига боғлиқ. Айнан мана шу боисдан давлатимиз асосий сармояни инсон камолоти йўлида сарфламоқда. Фақат мана шу реал стратегия юртнинг равнақ топишини, чинакам мустақилликни ва барқарор тараққиётни таъминлаши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мустақил Ўзбекистоннинг миллий ғояси ва мафкурасини тарғиб қилиш борасида олдинга қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳажмда қамраб олади. Бугунги кунда энг асосий талаб — ундан келиб чиқадиган хулоса, таклиф ва тавсияларни ҳаётга кенг кўламда татбиқ этишдан иборат. Миллий ғоя эса мамлакатнинг бутун аҳолиси, унинг ҳар бир фуқаросининг қалби, юраги, қони ва жони билан идрок қилиниши зарур. Фақат мана шундагина миллий ғоя миллатни, жамиятни, давлатни бирлаштириб буюк келажагимиз асоси бўлиши мумкин.

**Озод ОТА-МИРЗАЕВ,**
**жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази директори муовини, профессор**

● **«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти**

## ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари иштирокида Халқаро талабалар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Партия Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Хайдар Бобохонов йиғилганларни байрам билан қутлаб, ХДПнинг ёшларга оид сиёсати, уларнинг муносиб таълим олиши, яшаши, иш билан таъминланиши борасидаги ғоялари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, институтнинг энг фаол, изланувчан, партия ҳаётида қатнашаётган талабаларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширди.

**(Ўз мухбиримиз)**

● **Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# КОСА ТАГИДА НИМКОСА БОРМИ?



### ЁКИ САМАРҚАНД ШАҲРИ МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАРИДА НОҚОНУНИЙ ПУЛЛИК АВТОМОБИЛЬ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ ОЧИБ ОЛГАНЛАР ХУСУСИДА

Ҳар бир киши эрталаб ишга, ўқишга ёки бошқа бир юмуш билан кўчага чиқар экан, аввало кўзлаган манзилига эсон-омон бориб келишни кўнглига тугади. Истайсизми, йўқми, кимдир жамоат транспортида, кимдир ўз машинасида узоғини яқин қилиш ҳаракатида бўлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг сўнгги йилларида транспорт қатновида ноқулайликлар юзага келмаслиги учун тор кўчалар кенгайтирилиб, аҳоли гавжум жойларда замонавий айланма йўллар бунёд этилмоқда. Транспорт воситалари тўхтаб турадиган қулай ва шинам жойлар барпо этилмоқда.

Шундай эътиборга молик ишлар амалга оширилаётган бир пайтда Самарқанд шаҳрининг айрим аҳоли ва транспорт қатнови гавжум кўчаларида содир бўлаётган айрим тартибсизликлардан дилингиз хира тортади.

Агар йўлингиз тушиб шаҳарнинг Амир Темур кўчасида Ҳожиев номидаги эҳтиёт қисмлар бозори ёнидан ўтган бўлсангиз, кўнглингиз ранжиши, табиий. Йўл икки томонлама тўсиқ билан ажратилган ва қарама-қарши ҳаракатдаги транспорт воситалари бир-бирига халақит бермайди-ю, аммо йўлнинг ҳар икки четида тўхтаб турган автомобиллар ҳаракат хавфсизлигига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Зарурат туғилиб, сиз ҳам машинангизни шу ерга қўймоқчи бўлишингиз билан рўпарангизда автомобилларни пуллик сақлаш жой «қўриқчи»си пайдо бўлади. У сақлаш пулини тўлаб чек олиб қўйишингизни талаб қилади. Бир ҳисобдан машинангизга қўриқчи топилганидан хурсанд бўласиз-у бироқ шунчаки йўл четига бирров тўхтаганингиз учун пул тўлашингиз малол келади.

— Бу пуллик тўхташ жой қаерга тегишли? — сўраймиз бу ердаги қўриқчи Суннат Ҳусеновдан.

— Шаҳар ҳокимлигининг хўжалик ҳисобидаги уй-жой қурилиш ва коммунал бўлимига қарашли. Мана, қўлимизда муҳрлаб берилган чеклар. Бажарган хизматимизга яраша иш ҳақи олаяпмиз... Топилган пулни ҳар ойда идорадагилар келиб олиб кетишади...

— Бу жойни пуллик қилиб қўйибсизлар-у, лекин у йўл ҳаракати хавфсизлигига халақит бераяпти-ку?

— Эҳтимол, — тан олди у. — Лекин биз ҳам ишсиз юрмаслигимиз керак. Қолаверса, ҳокимият қошидаги уй-жой қурилиш ва коммунал хўжалиги бошлиғи Азиз Ҳожиевнинг топшириғи билан ишлаяпмиз. Бошқа гапларингизни у кишига айтинг, биз фақат ижрочи одамлар...

Аниқлашимизча, мазкур ташкилотга қарашли бундай пуллик тўхташ жойлари шаҳарнинг Рудакий, Беруний каби қатор серқатнов кўчаларда ҳам бор экан.

«Дамариқ» бозори МЧЖ маъмурияти ҳам бозор олдидан ўтувчи Нарпай марказий кўчасининг ҳар икки томонини автомобилларнинг пуллик сақлаш жойига айлантириб олган.

— Бу ердаги тартибсизликларни изоҳлаб беришнинг ўзи қийин, — дейди ҳайдовчи Маъруф Раҳимов. — Эшитишимча, бозор маъмурияти тез-тез алмашиб тураркан-у автомобилларнинг тўхташ жойидаги аҳвол ўзгармас экан. Бундан автойўлни «стоянка»га айланишига чидаб бўлмайди. Бозорга яқинлашишингиз билан ҳар икки томондан 500 метрча жойга ўтиб олиш «оғир» мушкулот. ДАН ходимлари қаёққа қарашади, ҳайронман. Мана, ҳозиргина бирров 2-3 дақиқа тўхтаганим учун 200 сўм тўладим.

Масалага ойдинлик киритиш учун Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идорасига бордик.

— Аслида ҳар бир кўчаларга қўйиладиган белгилар ва автомобиль тўхташ жойларини аниқлаш маҳаллий шаҳар, туман ҳокимлари қарорига кўра амалга оширилади, — дейди бошқарманинг йўл назорати бўлими бошлиғи Икром Расулов. — Хусусан шаҳарнинг Амир Темур, Рудакий, Беруний, Нарпай сингари кўчаларида ташкил этилган автомобилларни пуллик сақлаш жойлари учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси рухсат берган эмас. Чунки, тўхташ жойлари айнан автомобиль йўлининг қатнов қисмида ташкил этилган. Бу меъёрий жиҳатдан олиб қаралганда мутлақо мумкин эмас. Аслида бу борада йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томошабин бўлиб тургани йўқ. Ходимларимиз тартиб сақлашга муайян ҳаракатлар қилаяптилар. Ҳозир айтиб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан шаҳар ҳокимиятига ўн марта, вилоят ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилдик. Натижа бўлмаяпти...

Тартиббузар авто «қўриқчи»ларга бошчилик қилаётган шаҳар ҳокимлиги қошидаги уй-жой қурилиш ва коммунал хўжалиги ҳуқуқшуноси Рустам Маҳматқулов билан суҳбатдамиз.

— Агар ўша аҳоли гавжум ва серқатнов кўчаларда пуллик тўхташ жойлари ташкил қилмасак, ҳар хил ўғирликлар содир бўлади. Чунки одамлар барибир машинасини шу жойга қўяди, — гап бошлади у...

— Тўғридир, лекин, — сўзини бўлдик унинг, — гап кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва автомобилларни вақтинча тўхтаб ўтиши мумкин бўлган жойларни ноқонуний тартибда пуллик тўхташ жойларига айлантириб олганликларингиз ҳақида кетаяпти...

— Шаҳар ҳокимининг 2003 йил 28 мартдаги №248-Қ сонли қарори бор. Қарорга кўра, шаҳарда 24 та жойда автомобилларнинг пуллик тўхташ жойлари ташкил этилган. Жойлардаги автоқўриқчилар ойлик режа топширишади... Қабул қилинган қарорга кўра йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бунга розилик берганми, йўқми, у ёғи бизга қоронғи...

Дарвоқе, шаҳар ҳокимининг ўша қарори 3-бандида шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси, шаҳар ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими билан келишилган ҳолда ташкил этиладиган автомобилларни вақтинча сақлаш жойлари бўйича таклиф киритиш сўралган. Бироқ, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бугун автомобиль қатнов йўли четидаги юқорида қайд этилган бетартиб пуллик тўхташ жойларига рухсат бермаганликларини таъкидлашмоқда.

Қарорнинг мазмун-моҳияти ижроси ва унда қайд этилган жойлардаги пуллик тўхташ жойлари ҳақида ҳокимликнинг ташкилий назорат гуруҳи мутахассиси Машраб Тожиевдан ҳам фикр сўрадик:

— ...Тўғри, — деди у, — қарорда тегишли идоралардан таклифлар сўралган... Розилик берилгандирки, шу ишлар амалга оширилгандир. Аммо нима бўлгандаям, ҳамма иш қонуний, меъёрида бўлиши керак...

Бугун дунё халқлари эътиборига тушиб, халқаро туризм шаҳрига айланган қадим Самарқанднинг серқатнов кўчаларига «хол» қўйиб, ноқонуний пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этаётган мутасадди идоралар ва уларнинг масъул раҳбарлари наҳотки ҳаракат хавфсизлиги манфаатларини ўйлашмаса? Ё коса тагида нимкоса борми?

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# СУВ ВА НУР МАНБАЛАРИ

### ЯРАТАЁТГАН БУНЁДКОРЛАР ҲАҚИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мустақилликнинг илк кунларидан ҳукуматимиз қурилишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бугунга келиб, биргина Тўпалангнинг ўзида олти юз нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. 200 дан ортиқ замонавий техника воситалари қурувчилар кўмакдоши. Бундан ташқари жамият фидойилари «Шўртон — Шеробод газопровод»и ва аср иншооти — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлини бунёдкорлари ҳам қурилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшишди.

...Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган сув омбори ҳамда гидроэлектр станцияси фойдаланишга топширилгач, аввало 130 минг гектарга яқин суғориладиган майдонларда сув тақчиллиги сезилмайди. Қолаверса, 25 минг гектар қўриқ ер ўзлаштирилади. Мамлакат электр энергияси салоҳияти ортади.

— Республикамизда 54 та катта-кичик сув омборлари бор — дейди «Тўпаланг сув омбори қурилиш ва ундан фойдаланиш дирекцияси» раиси ўринбосари Саидваққос Ҳамроев. — Уларда 18,5 миллиард метр кубдан ортиқ сув йиғилади. Бизда эса ярим миллиард метр куб. Тўпаланг — чуқурлиги 184 метр, узунлиги 13,5 километр, эни 600-800 метрли улкан ҳавза. Денгиз сатҳидан 2300 метр баландликда қурилаётган сув омборига Ўзбекистондаги энг баланд чўққи — Ҳазрати Султон музликларидан обиҳаёт оқади.

Ўтган 15 йил давомида бу ерда 20 минг куб метрга яқин бетон, 1200 тоннадан ортиқ арматура ва қувур ишлари уддаланди. 8 километрли тунель тайёр. Ҳозиргача режадаги ишларнинг учдан икки қисми поёнига етди. Жорий йилнинг июн ойида ГЭСнинг дастлабки 2 та кичик турбинаси ишга туширилди. Улар соатига 35 меговатт электр энергияси ишлаб чиқаради. Улуғвор ишларга россиялик тажрибали мутахассислар ҳам яқиндан кўмакдош.

Галдаги мақсад — 150 меговатт ток ишлаб чиқарадиган 2 та катта турбинани ҳам фойдаланишга топшириш... Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 37 та иссиқлик ва гидроэлектр станциялари мавжуд. Уларнинг умумий қуввати 12,5 миллион киловатта яқин. ГЭСларда ишлаб чиқарилаётган энергиялар ўз сарф-харажатининг камлиги билан афзал. Сурхондарёдаги мазкур станция ҳам ана шундай манбалар сирасига киради.

**Асрор Жумаев, муҳандис:** — Тан олиш керак, 1985-1990 йилларда деҳқонлар ҳам сув тақчиллигидан қийналишарди. Ўша даврларда «навбат» деган ёзилмаган қонун-қоидалар пайдо бўлувди: беш кун Олтинсой тумани сув олса, олтинчи кун шўрчилик мироблар... Кўрпа-тўшак кўтариб, овворaю сарсон бўлганлар қанча эди... Йиллар бўйи ғўзалар ҳам, томорқалар ҳам қонмасди...

Мана, ўн йилдан ошдики, Тўпаланг сув омбори бу муаммоларга чек қўйди. Бугун сув Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманларигача ўз оқими билан бораяпти. Бу ўн минглаб гектар экин майдонларини суғориш билан бирга халқимиз турмуш фаровонлигини ҳам оширмоқда. Яна бир муҳим жиҳати — келажакда «Ҳазорбоғ» ҳамда «Оққапчиғай» каналлари орқали Қизириқ ва Шеробод туманларига ҳам 30-35 метр куб сув боради. Мазкур туманлардаги кўплаб насос станцияларига кетадиган электр энергияси иқтисод қилинади.



Ҳа, истиқлолнинг буюк инояталаридан бири. — Тўпаланг сув омбори ва Тўпаланг гидроэлектр станцияси жаҳондаги йирик иншоотлар сирасига кириши, шаксиз. Масалан, Швейцариядаги «Гранд — Диксанс» сув омбори тўғонининг баландилиги — 284 метр бўлса, Италиянинг «Вайонт»и 262 метр. Демак, Ўзбекистонда бағрига 500 миллион куб метр сув сиғдира оладиган 187 метр баландликка эга Тўпаланг сув омбори ҳам бу борада улардан қолишмайди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

• Экология экспедицияси

# ОРОЛ АРХИПЕЛАГЛАРИ...

## ЁКИ ОРОЛ ҚУРИШИ ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ҲАЛОКАТЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

(БИРИНЧИ МАҚОЛА)



Тонг ғира-шира, бўзарар-бўзармас экспедиция махсус машиналарда шимолий-шарққа — Оролқумга йўл олди.

Бугунги Орол хусусида фикр юритганда турли фаразлар, мулоҳазалар, воқеаларни қалаштиришнинг ҳожати йўқ — Оролнинг аҳволи буларсиз ҳам мураккаб.

Бинобарин, Президентимиз БМТнинг 50 сессиясида ҳамда дунёнинг кўплаб мамлакатлари раҳбарлари қатнашган учрашувларда, 2003 йилда Душанбе шаҳрида Орол муаммосининг ечимига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузасида асосан денгизнинг қуриши оқибатида юз бераётган экологик ҳалокатлар нафақат Ўзбекистон ёки минтақа, балки дунё халқлари ҳаёти учун ҳам хавф-хатар эканлигини қайта-қайта гапириб, бу фожиани тузатиш учун барчани халқаро ҳамкорликка даъват қилганди.

Бугунги Орол фожиаси ҳақиқатан энг оғир ва мураккаб муаммодир. Олимларнинг таъкидлашларича, тарихда ер юзидаги бошқа дарё ва кўллар ҳам қуриган, ўзанини ўзгартирган ҳоллар бўлган. Аммо 50-60 йил ичида улкан кўлнинг қуриб кетиши ўтмишда ҳеч кузатилмаган ҳодисадир.

Маълумки, Орол денгизи XX аср ўрталаригача бўлган ҳажмига кўра Каспий, Юқори (Шимолий Америка) ва Виктория (Африка) кўлидан кейинги тўртинчи ўринда турарди. Ва у аҳамияти жиҳатидан «улуғ кўл» номи билан аталарди. Яқин ўтмишда денгизнинг майдони 1000 км.$^3$ бўлиб, 60 минг км.$^2$ акваторияни ташкил этган улкан сув ҳавзасига эга эди. Сўнгги 45-50 йил ичида денгиз сатҳи 1,7 марта пасайди. Агар 1960 йилларда унинг сатҳи 53,4 метр бўлган бўлса, 2004 йилга келиб 30,72 метрга тушиб кетди. Денгиз сувининг ҳажми 1180 куб.км.дан 115 куб. километргача камайди. 2005 йилги маълумотларга қараганда, «улуғ кўл» — қадимги қирғоқ чизиқларидан 140-150 километргача узоқлашиб кетди. Бугун денгизнинг қуриб қолган «туби»да 48 минг квадрат километрдан ортиқ майдонда қум барханларидан иборат улкан Оролқум саҳроси ёки архипелаглар пайдо бўлди. Афсуски, саҳро ўз салтанатини кун сайин кенгайтириб боряпти. Ҳудудимизнинг иқлими иссиқ, шу боис йилнинг 300 кунида ҳам ҳаво қуруқ, шамол эсади. Натижада ҳар йил атмосферага Оролқум саҳросидан 75 миллион тонна қум, туз, чанг-тўзон кўтарилади. Кучли бўронлар ҳавога кўтараётган тузли чанг-тўзонларнинг узунлиги 800-1000 километргача, кенглиги 30-40 км.гача, талафот етказиш радиуси бўлса 300 километргача чўзилмоқда.

Бугун Орол акваторияси иккига — Катта денгиз (Ўзбекистон ҳудудида) ҳамда Кичик денгиз (Қозоғистон ҳудудида)га бўлиниб кетди. Оролбўйи минтақасининг биохилмахиллигига путур етди. Унинг фауна ва флорасидан 20 дан ортиқ ҳайвонот ва наботот турлари йўқолиб кетди. Шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг яна 52 тури йўқолиб кетиш хавфи остида қолган.

Оролқум саҳросидан кўтарилаётган тузли қум, тўзонлар кучли бўронлар воҳа биохилмахиллигига жиддий хавф соляпти. Ўсимликлар айни гуллаган пайтда қум, тузлар унинг устига ёғиляпти, улар уруғланмасдан қовжираб қоляпти.

Орол фожиасининг олдини олиш учун нима ишлар қилиняпти? Маълумки, бутун ер юзида экологик муаммоларни ўсимликлар дунёсини тиклаш орқали ечишга ҳаракат қилинади. Яшил олам, тоза ҳаво, сув бу ҳаёт демакдир.

Оролбўйи минтақасидаги экологик хавф-хатарнинг оқибатини юмшатиш учун денгизнинг қуриган майдонларида яшил ўрмонзорлардан тўсиқ барпо этиш самарали усулдир. Оролқум саҳросининг 1 миллион 300 минг гектарга яқин майдони Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Унинг 600 минг гектаридан чанг-тўзонлар ҳавога кўтарилиб турибди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг таъсисчи давлатлари минтақадаги экологик аҳволни ўнглаш учун бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқдилар ва 2003 йилда аксарият халқаро ташкилотлар ўз лойиҳалари бўйича фаолиятини якунладилар. Фақат Тошкентдаги Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва жамғарма ижроия қўмитасининг Нукус филиали томонидан лойиҳаларнинг навбатдаги босқичлари давом эттирилмоқда.

Ҳозирда халқаро жамғарманинг Ўзбекистон тизими Орол минтақасида, аниқроғи Жилтирбас, Мўйноқ, Қорадарё, Мишонкўлда 5 та лойиҳани амалга оширмоқда. Эзгулик йўлида амалга оширилган бунёдкорлик, албатта, илк куртакларини кўрсатяпти. Олиб борилган мониторинг шуни кўрсатдики, 2000-2003 йиллардаги мислсиз қурғоқчиликка қарамай, Судочье кўлидан 30 тонна, Амударё дельтасининг бошқа кўлларидан 70 тонна балиқ овланди, қамишзорлардан эса қорамоллар учун ем-хашак, озуқа тайёрланган.

Ҳозирда Оролқум саҳросида «Оролнинг қуриган майдонларини ўрмонзорлаштириш» маҳаллий лойиҳаси амалга ошириляпти. Мўйноқ тумани ҳудудидаги Жилтирбас қўлтиғининг шимолий-шарқидаги 10.000 гектар майдон 4 та участкага бўлиниб, маҳаллий лойиҳа бўйича юмушлар бажаріляпти. Дастлаб 850 гектар майдонда 34930,1 минг сўмлик фитомелиорация ишлари уддаланди. Пудратчи ташкилотлар томонидан 46259,4 минг сўмлик фитомелиорация ишлари бажарилиб, кўчатларни шамолдан ҳимоялаш учун 481,6 километрлик «механик муҳофаза» — қамиш тўсиқлар яратилди, 314,3 гектар ерга 275,6 минг туп саксовул, черкез ва қандим кўчатлари ўтқазилди.

...Биз махсус машиналарда яқин ўтмишда улкан кемалар қатнаган, денгизнинг 12-18 метр «туби»дан Оролқум саҳросининг тобора ичкарисига, қум барханлари қўйнига чуқурроқ кириб боряпмиз. Кечагина шивалаб ўтган ёмғир жонимизга оро кирди, қумнинг бети сал бўлса-да қотган, чанг-тўзон ҳам бироз босилгандай. Атрофга назар солсангиз, қор ёққандай оппоқ чиғаноқлар...

Йўлбошловчимиз — **Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туман ўрмон хўжалиги директори Маҳаммади ГУЛИМБЕТОВ:**

— 6 минг гектардан ортиқ майдонда саксовул, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари кўчатларини етиштирамиз. 12 гектарлик участкада эса саксовул кўчати етиштирдик. 2003 йилдан буён Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиалининг лойиҳаси бўйича Оролқум саҳросида 10 минг гектарга кўчат ўтқазиш билан шуғулланяпмиз. Бугунгача 3700 гектар майдонга саксовул кўчати ўтқаздик, 1300 гектар майдонга саксовул уруғи экилди.

Ҳар йили ноябрь, декабрь ойларида Оролқумга кўчат ўтқазиш ишлари бошланади. Кўчатлар бир йилда стандарт ҳолатига келади...

Лойиҳа бўйича 560 миллион сўмлик иш бажарилиши лозим. Ҳозиргача 331 миллион сўмлик иш бажардик. 2008 йилда лойиҳани тамомлаш кўзда тутилган...

Оқбетгей архипелагидамиз... Саҳрода юзлаб бундай архипелаглар бор. Назаримда, у бошқача, улканроқдай.

Сиз кузги саксовулни кўрганмисиз? Напармон рангдаги саҳро ўсимликларини-чи? Нигоҳим, илғаганча узоқларга кўз тикаман: ўркач-ўркач қум барханлари... «Орол... ҳансираб сўнгги... нафасини олаётган «Улуғ кўл...» ни кўролмайман...

**Чимбой ўрмон хўжалиги директори Роман ЖЎЛДОСБОЕВни суҳбатга тортаман.**

— Биз 2004 йилда Қораўзак ўрмон хўжалиги билан шартнома тузиб, Оқбетгей архипелагида лойиҳани амалга оширяпмиз. Уч йил илгари эккан саксовулларимиз уруғ бериб, табиий ҳолда кенгая бошлади. Ҳозиргача 2 минг гектар майдонга ернинг рельефига қараб саксовул, қандим, черкез экдик. Лойиҳа беш йилга мўлжалланган, 2008 йилда тугалланади, 5 минг гектар майдонга кўчат ўтқазишни режалаштирганмиз.

Бир туп саксовул 45-50 куб метр қумни «ушлаб» туради, бу 10 та «КамАЗ» тупроқ дегани. Баландлиги 1 метр саксовул ўзининг орқасидаги 10 метр ерни «ҳимоялайди». Саксовулзорлар қум барханларини кўчкидан асрайди. Ҳозир Оқбетгей архипелагига қуён, жайрон, ҳар хил қушлар қайтиб келди. Флора ва фауна битта экотизимда ҳаёт кечиради. Бундан 60-70 йил илгари шу ерларда денгиз сувлари шовуллаган. Ҳов, анави «қирғоқ» «Тебренмес» порти бўлган.

У кўрсатган ёққа қарайман, олис-олисда «Тебренмес» порти... ўрнида саҳрода яшил бархан — чўк тушган туя шаклдаги — архипелаг мунғайиб турарди.

Ҳозирги кунда Оролқум саҳросининг Оқбетгей архипелагидаги катта-катта қум барханлари майдонларига механик муҳофаза — қамиш «бостирилиб», жўяклар очиб қўйиляпти.

— Қамишлар «қумни ушлаб» туради, унинг орқасидаги жўякларга кўчат экамиз, томирини шамол очмасин деб қамиш бостирилади, — изоҳлайди **«Оролни қутқариш халқаро фонди ижроия қўмитасининг Нукус филиали экологик лойиҳаларини амалга ошириш бўлимининг бош эксперти Худойназар ЭГАМБЕРГЕНОВ.** — Ҳар йили қум барханлари 1-1,5 километрга кўчиб туради, 8-9 йиллик дарахт, саксовуллар шамолни 80 фоизга қайтаради. Денгиз бу ердан 100 километр узоқда. Биз ҳозир 2-участкадамиз, шу 10 минг гектар майдонни 4 та участкага бўлганмиз. Чимбой, Тахтакўпир, Қораўзак ўрмон хўжалиги лойиҳани бажаради. Ҳозир биз Оролнинг энг чуқур — 64 метрлик «туби»да турибмиз...

Оқбетгейдан ортга қайтамиз. Икки соатлар чамаси йўл юрдик. Йўл четида шамолдан паналаб, саксовулзорда қунишиб ўтирган 8-10 нафар одамга дуч келдик.

— Нима гап? — ҳайдовчимиз Байрам уларга гап қотади. Улар 2-3 соатдан бери сувсиз, егуликсиз «ғойибдан келадиган ёрдамга» кўз тикиб ўтирган ишчилар экан. Байрам уларга «захирасида»ги бир баклашка сувни узатаркан, — Ҳозир ёрдам келади дея — уларни тинчлантириб қўйди.

Саҳро «уйғонди», бояги жимликдан асар йўқ, шамол увиллар, чанг-тўзон кўтарарди...

Машинамизнинг олди ойнасини аёвсиз қум, тўзони билан саваларди. Олдимизда шу алфозда яна 4 соатлик машаққатли йўл.

Оролқум ортда қолди. Биз яна шарққа, Мўйноқни қоралаб йўлимизда давом этамиз. Офтоб уфққа ёнбошлаб олди... Шом тушмай манзилимиз — Жилтирбасга етиб олишимиз керак...

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

• Миллат ва маънавият

# МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ – ИЛМИЙ МАНБА, БЕБАҲО ХАЗИНА



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» — халқимиз, мамлакатимиз миллий салоҳиятини намойиш этувчи кўзгудир

Ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун улкан имкониятлар майдонидир. Бундан оқилона фойдаланиш эса ҳар қайси халқнинг имон-эътиқоди, ақл-заковатига боғлиқ. Ҳаммамизга маълумки, энг сара билимлар «донишманд» китобларда, яъни энциклопедияларда мужассам. Шу боис энциклопедиялар бугунги кунда жаҳон цивилизациясининг қимматбаҳо кўзгусига айланиб бормоқда.

Президентимиз ҳам миллий энциклопедиянинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, ахборот манбаи сифатидаги юксак маърифий аҳамиятини ҳисобга олиб: **«Энциклопедиямизнинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетакрор маданиятини, улуғ мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбашарият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртнинг ўзига хос ва ўзига мос қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлмиш мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир...»** дея таъкидлаган эдилар.

1997 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Орадан кўп вақт ўтмай, 2000 йилда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 1-жилди дунё юзини кўрди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида эса универсал энциклопедиянинг 12 та жилди тўла нашрдан чиқди.

Мустақиллик энциклопедияси — миллий қомусимиз Ўзбекистоннинг тарихи, аҳолиси, табиати, ҳайвонот ва наботот олами, географик хусусиятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисоди, фан-техникаси, адабиёт ва санъати, меъморчилиги, мусиқаси, театр ҳамда киноси, таълими, матбуоти, жисмоний тарбия ва спорти, дини, урф-одатларига оид барча маълумотларни тўла қамраб олган. Шунингдек, унда жаҳон халқлари тарихи ва умумбашарий билимларга ҳам кенг ўрин берилган.

Таъкидлаш лозимки, ўн икки жилдли миллий қомусимиз Президентимизнинг **«Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»**ги Қарорига мувофиқ ташкил этилаётган замонавий ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларида фойдаланиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, албатта. Чунки унда фарзандларимизнинг камолоти йўлида хизмат қилувчи зарур манбалар етарли. Шуни фахр билан айтиш жоизки, миллий энциклопедиямиз Москва ва Франкфурт шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро китоб кўргазмаларида намойиш этилиб, ўзининг муносиб баҳосини олди. Шу боис эндиликда энциклопедиямизга хорижда ҳам қизиқиш ортмоқда. Уни Япония, АҚШ, Германия каби дунёнинг етакчи мамлакатлари кутубхоналари ҳам сотиб олмоқда.

Яна бир гап. Бугунги кунда ҳомийлар томонидан танлов ғолибларига, иқтидорли ёшларга энциклопедия совға қилинаётганини кўриб, уларга тасаннолар айтгинг келади. Бу каби ғоят ибратли, эзгу амаллар келгусида ҳам давом этишини истардик. Чунки, миллий қомус — хазиналар калити, тафаккур манбаи, жаҳолат кушандасидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек: **«...миллий қомусимиз ҳар қайси инсон учун, халқимиз ҳаётига қизиқадиган олимлар ва зиёлилар, турли соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба, бебаҳо хазина сифатида хизмат қилади».**

**Самат МАХМАДИЯРОВ,**
**физика-математика фанлари номзоди**

## ТАШКИЛОТНИНГ 14-САММИТИ

*Вьетнам пойтахти Ханойда ўтказилган Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги форумининг 14-саммитида ушбу форумга аъзо мамлакатлар раҳбарлари Жаҳон савдо ташкилоти доирасида савдо-сотиқни эркинлаштиришда кўндаланг бўлаётган муаммоларни, энергетика соҳасида ҳамкорлик ва терроризмга қарши кураш масалаларини муҳокама этдилар.*




*Ялпи мажлисдан сўнг эса форумга аъзо давлатлар раҳбарлари Ишчи маслаҳат кенгаши аъзолари билан учрашдилар. Ишчи маслаҳат кенгашига ҳар бир аъзо мамлакатдан уч нафардан вакил киритилган. Ушбу кенгашга форум фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 1994 йил ноябрда асос солинган.*

*Энди бевосита форум ҳақида тўхталадиган бўлсак, у савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унга аъзо давлатларнинг бугунги кундаги аҳолиси 2,5 миллиард киши бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулоти 19 триллион долларни ташкил этади.*

*Форумга аъзо давлатлар: Австралия, АҚШ, Бруней, Вьетнам, Жанубий Корея, Индонезия, Канада, Малайзия, Мексика, Папуа-Янги Гвинея, Перу, Россия, Сингапур, Сянган, Тайбэй, Таиланд, Филиппин ороллари, Хитой, Чили, Янги Зеландия, Япония.*

*Саммит якунида унга мезбонлик қилган давлат — Вьетнам президенти якуний декларацияни эълон қилди.*

## РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

*БМТ Бош Ассамблеяси Исроил армиясининг Ғазо минтақасидаги ҳарбий операциясини қораловчи резолюция қабул қилди.*

*Араб мамлакатлари томонидан тайёрланган ушбу резолюция лойиҳасини Бош Ассамблеянинг навбатдан ташқари сессиясида 156 давлат қўллаб-қувватлади. 7 давлат вакили эса (улар орасида АҚШ, Исроил ва Австралия бор) қарши овоз берди, 6 та давлат бетараф қолди.*

*Қабул қилинган ушбу ҳужжатда Исроил Ғазо минтақасидаги ҳарбий операцияларни тезда тўхтатиши, армияни бу ердан олиб чиқиб кетиши талаб этилган.*



*Маълумки, шу йил июнь ойида Исроил ҳарбийси ўғирлаб кетилгач, Исроил Фаластин ҳудудида кенг миқёсли ҳарбий операция бошлаган ва у ҳануз давом этмоқда. 8 ноябрь кунги артиллерия отишмалари натижасида Байт-Ханум шаҳридаги 18 нафар тинч аҳоли (фаластинлик) ҳаётдан кўз юмган. Исроил буни «техник хатолик» дея баҳолаб, афсус билдирди.*

*Дарвоқе, қабул қилинган БМТ резолюцияси Фаластин учун ҳам мажбурият юклайдики, унга кўра, Фаластин томони Исроил ҳудудига ракета отишни тўхтатиши лозим.*

*Мазкур резолюция учун овоз бериш, — дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабарида, — БМТ Бош Ассамблеяси мажлиси кун тартибидан бир неча бор қолдирилган. Байт-Ханум шаҳридаги воқелик БМТ Хавфсизлик Кенгашида ҳам муҳокама этилган, бироқ ўшанда АҚШ вето ҳуқуқидан фойдаланиб, овоз бермай тўхтатиб қўйган эди.*

*Ҳозир БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Байт-Ханум фожиаси юзасидан текширув-суриштирув ишларини олиб бормоқда.*

## МУХОЛИФАТДАГИ ТЕЛЕКАНАЛЛАР ЁПИЛАДИ, АГАР...

*Маълумки, шу йил 3 декабрда Венесуэлада президент сайлови бўлиб ўтади. Шунинг учун мамлакат президенти Уго Чавес мухолифатдаги телеканалларга, агар сайлов натижаларини шубҳа остида қолдирадиган уйдирмалар тарқатса, уларнинг фаолияти тақиқланиши ҳақида шарт қўйди.*

*Мамлакатдаги «RCTV», «Venevision» ва «Globovision» телеканаллари мухолифатдаги етакчи телеканаллардир.*

*Уго Чавес президент сайловида ғалаба қозонса, фитначилар давлат тўнтаришини амалга оширишга уринишлари ва ҳозир унга тайёргарлик кўришаётгани ҳақидаги маълумотлар унгача етиб келганлиги тўғрисида баёнот берди.*

*Унинг айтишича, фитна бевосита АҚШ иштирокида режаланмоқда ва молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Қўшма Штатлар эса буни инкор этмоқда.*

*Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар шундан далолат бермоқдаки, сайловда Чавес ўз рақибларидан катта фарқ билан ўзиб кетади.*

## ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

*Тожикистон пойтахти Душанбеда мамлакат президентлигига қайта сайланган Имомали Раҳмоновнинг расмий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Маросимдан сўнг Раҳмонов мамлакат ташқи сиёсатига доир масалалар юзасидан баёнот берди. Унда айтилишича, — дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, — Тожикистон Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи билан алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.*



*Эслатамиз: шу йил 7 ноябрда Тожикистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Унда 91 фоиз сайловчи иштирок этиб, уларнинг 79,3 фоизи Имомали Раҳмонов учун овоз берди.*

*Шундай қилиб, у учинчи муддатга сайланди ва мамлакатни 7 йил давомида бошқаради.*

XORIJDA

## АЪЗО БЎЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

*АҚШ Сенати Грузия, Албания, Хорватия ва Македониянинг НАТОга аъзо бўлишини қўллаб-қувватловчи қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллади. Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги хабар тарқатди.*

*«НАТОга кучларни бирлаштиришни эркинлаштириш тўғрисида 2006 йил акти» ҳужжатида АҚШнинг Украинани ҳам альянсга қабул қилишга тайёр эканлиги қайд этилди, албатта, буни Украина томони хоҳласа.*

*Қонун лойиҳаси, шунингдек, ушбу мамлакатларнинг НАТОга аъзо бўлиш йўлидаги тайёргарлик ишлари учун 2007 йилда АҚШ Федерал бюджетидан молиявий кўмак беришни ҳам кўзда тутади. Жумладан, Грузияга 10 миллион, Албания, Хорватия ва Македонияга эса ҳар биттасига тахминан 3 миллион доллардан маблағ ажратиш режалаштирилган.*

*Уларни НАТОга қабул қилиш масаласини расмий Вашингтон шу йил 28-29 ноябрь кунлари Ригада бўлиб ўтадиган НАТО саммитида ўртага ташламоқчи.*

## САЙЛОВДА ҚАТНАШИШГА АРИЗА БЕРДИ

*АҚШнинг республикачи-сенатори Жон Маккейн 2008 йили бўладиган президент сайловида номзод сифатида иштирок этиш имкониятларини ўрганиш учун тайёрлов қўмитаси тузиш юзасидан АҚШ Федерал сайлов комиссиясига ариза берди.*

*«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, бу ариза унга сайловолди кампанияси сарф-харажатлари учун воситалар йиғишга расмий рухсат беради.*

*Тайёрлов қўмитасини шакллантириш президентликка номзодини илгари суришнинг бошланғич қадамлари ҳисобланади.*

*70 ёшли Жон Маккейн учун бу уриниш иккинчиси ҳисобланади. У 2000 йилги президент сайловида ҳам номзодини қўйган, лекин республикачи Жорж Бушга ютқазган эди.*

*Жон Маккейн 1986 йилдан бери узлуксиз равишда АҚШ Конгрессига сайланиб келмоқда.*

*«Pew Reasearch» ижтимоий сўров хизмати Вашингтонда ўтказган сўров натижаларига кўра, Жон Маккейн катта имкониятга эга номзодлардандир. Республикачи-сайловчиларнинг 26 фоизи, партиясизларнинг эса 32 фоизи унинг учун овоз беришини билдирган.*

*Сўров шу йил 9 ноябрдан 12 ноябргача 1479 киши орасида ўтказилган.*

## ҚАМОҚХОНАДА НОРОЗИЛИК

*Туркманистондаги ДЗ-К/8 аёллар қамоқхонасида маҳбус аёллар томонидан бошланган норозиликлар қамоқхона маъмуриятини истеъфога чиқариш билан якунланди, дейилади «Хроника Туркманистана» нашрида эълон қилинган ахборотда.*

*Ушбу норозиликлар қамоқхона бошлиғи Хадича Хўжаеванинг топшириғига кўра, маҳбусхоналарда яратилган оғир шароитга қарши қаратилган эди. Жумладан, охирги пайтларда қоровуллар томонидан мунтазам тинтувлар ўтказилиши маҳбусларнинг ғазабини қўзғади.*

*Гарчи, қамоқхона бошлиғи тинтувларга алоқаси йўқлигини уқтирса-да, маҳбуслар тинчимади. Қамоқхонанинг аввалги бошлиғи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларидан иборат делегация билан Ашхободдан келиб, музокарага киришгачгина, можаролар тинчиди. Шундан сўнг Хўжаева ишдан олинди, тинтувлар эса тўхтатилди.*

● Қадрият — ўзликни англаш

# ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ — ҚАДИМ БИТИКЛАР

Қўшиқ санъатнинг одамзот томонидан ўйлаб топилган энг қадим туридир. Дарҳақиқат, одам боласи туғилибоқ алла эшитади, алла оҳанги билан унинг вужудига Ватаннинг, миллатнинг руҳи сингиб боради. Шу сабабли ҳам у оғиздан-оғизга ўтиб, қалбларга мустаҳкам муҳрланиб, асрлар давомида янгича мазмун касб этиб бораверади. Ҳар бир халқ ўзининг ҳаёт тарзи билан боғлиқ айтимлари, меҳнат ва турли маросимларга оид қўшиқларига эга бўлиб, уларда шу халқнинг нозик ва инжа туйғулари, орзу-интилишлари ифодаланади.



Халқ қўшиқлари орасида лирик қўшиқлар жуда қадимийлиги, сонининг кўплиги ва бадиий юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу хил қўшиқлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида ҳам кўплаб учрайди. Маҳмуд Кошғарий бирор сўзнинг қадимда қандай маънода қўлланилганини кўрсатиш учун халқ қўшиқларидан унумли фойдаланган. Бу қўшиқларда тасвирланган воқелик вақт эътиборига кўра, узоқ ўтмишга дахлдор, тил хусусиятларида ўша қадимийлик излари сақланиб қолган. Чунончи:

**Узик мени қумитти,**
**Сақинч манга юмитти,**
**Кўглум ангар емитти,**
**Юзим манинг сарғарур.**

Бу қўшиқда ифодаланган фикрларни у қадар содда деб бўлмайди. Ошиқ йигит «узик», яъни сулув қиз унинг ақлини ўғирлагани, соғинч азоб бераётгани, юраги ўз ихтиёрига кўнмай, қиз томон эниб бораётгани ҳақида изтироб билан куйлайди. У шунчаки хабар бермайди, балки кўнгилдан кечган мураккаб туйғуларни рамзий ифода этади.

Лирик қўшиқларга хос бош хусусият шундан иборатки, улар ҳам созсиз, ҳам соз жўрлигида айтилаверган. Шунингдек, уларда муаллифнинг ички кечинмалари, туйғулари, қувончу аламлари ифодаланган. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг тили, жумладан, қўшиқлар тили — жонли сўзлашув тили бўлгани учун ҳам бадиий адабиётдан фарқ қилади. Шунга қарамай, бу ҳолат ҳамма замонларда ҳам адабий тилнинг бойиш манбаи бўлиб келган.

**Ёр ташлаб кетдинг мени,**
**Ҳардамхаёл этдинг мени.**
**Бўйларинг бир кўрсатиб,**
**Кўрмакка зор этдинг мени.**

Ушбу тўртликда поэтик мазмун жуда содда ва лўнда баён этилган бўлиб, унда бевафо ёр изтироби, соғинч азоби аниқ ҳаётий лавҳаларда тасвирланади. Муҳими, бу тўртликда ошиқнинг туйғулари халқнинг оддий ва самимий тилида ўз ифодасини топган. Бунда эса сўзларнинг маҳорат билан ишлатилиши қўл келган.

Ўзбек халқи орасида жуда кенг ёйилган, ҳозирга қадар ҳам турли шаклларга солиб куйланаётган «Қарғалар учса қарайлик» деб бошланувчи қўшиқни олайлик. Унда суйганига интилиб етолмаган ошиқ ҳолати ғоят дардчил тасвир этилган. Бизга маълумки, қарға — қиш элчиси. Туркий халқлар учун қиш кўнгилсизликни билдиради. У айрилиқ, йўқотиш сингари тушунчаларни ифодалайди. Шу боис қўшиқда ошиқ йигит қарғанинг учишини кўрибоқ Марғилон йўлларини эслайди. Айни вақтда, Марғилон унинг ҳандалак бўйли ёрини ёдига солади. Висолга етмоқ йўли шу қадар мушкул ва шундай ёқимлики, ундан ҳандалак исидай маст қилувчи ширин бўй таралади. Маъшуқа ёдига тушиши билан ошиқ ўзини онасидан ажралган тўтиқуш сингари аянч аҳволда туяди: *«Ҳандалак бўйликкинам, Сиз унда зор, биз унда зор. Иккаламиз тўтиқушнинг боласидай интизор»*.

Лирик қаҳрамон суюклиси билан ўзининг ҳолатини ўйлагани сари қўшиқдаги тушкун руҳий ҳолат кучайиб бораверади:

**Интизорлик торта-торта**
**Танда тоқат қолмади.**
**Йўлчивиндек сарғайиб**
**Учарга ҳолат қолмади.**

Қарғаларнинг уча бошлаши табиат учун қишдан дарак бўлганидек, унинг пайдо бўлиши ошиқ учун висол боғларига қиров қўнганидан, умид япроқларини совуқ урганидан далолат беради. Қиш кириб келгач, йўлчивинлар ҳалокатга маҳкум бўлганлари сингари васлдан умидини узган ошиқнинг ҳам ҳаётдан илинжи қолмаган. Ғариб ва чорасиз ошиқ маъшуқаси йўлида шу қадар кўп кўз ёш тўкадики, улардан балиқлар сузиб юриши мумкин бўлган дарё ҳосил бўлади. Ошиқ йигит ҳолини ана шу балиқлардан сўраш мумкин. Маълумки, балиқлар овоз чиқармайдилар, гапирмайдилар. Демак, севган йигитнинг руҳий ҳолати ғоятда ночор.

Ўзбек лирик қўшиқлари баъзан айтишув шаклида, савол-жавоб тарзида ҳам баён этилади. Бундай айтишув-қўшиқларда маъшуқа ва ошиқ ўртасидаги сўз баҳси турли-туман жонзотлар образи орқали, ёрнинг ҳозиржавоблиги, топқирлигини синаб кўриш мақсадида ҳар бир банд савол билан якунланади. Айтишув қўшиқлари ошиқнинг вафодорлигини, унинг ақл-заковатда тенгсизлиги, ишқ йўлида ҳар қандай тўсиқларни енга олажагини рамзий йўсинда баён этиши билан диққатга сазовор. Қолаверса, бундай қўшиқлар севишганларнинг ақл-заковатда бир-бирларидан қолишмасликларини синаб олишнинг бир йўли ҳамдир.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг барчасида халқнинг нозик ҳис-туйғулари, кечинма ва орзулари бутун тароватли билан акс этади. Бунда эса она тилимизнинг ички имкониятлари нақадар бой ва гўзаллиги, сермазмун ва сержилолиги, айниқса, қўл келади. Хуллас, ҳар бир халқона қўшиқ ифодасининг нозиклиги, руҳий ҳолат тасвирининг нозиклиги билан асрлар давомида қалбларни бир-бирига боғлаб келган. Уларнинг бадиий таъсир даражаси эса йиллар, асрлар ўтса ҳамки, юксалиб, сайқалланиб бораверади.

**Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА**
**тайёрлади**

# ҲАМКОРЛИК

фуқаролар манфаати ва жамият ривожига хизмат қилади, дейилди Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида

Қатор йиллардан буён матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш эътибордан четда қолган эди, дея таъкидланди тадбирда.

— Ҳар чоракда бошқармамизнинг матбуот билан ишлаш шўъбаси орқали учрашувлар ўтказиб турсак. Бу сизларга ҳам, бизга ҳам фойдали бўлади, — деди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи полковник Анвар Икромов.

Бугунги кунда вилоят бўйича фаолият кўрсатаётган 343 та милиция таянч пунктида асосий эътибор профилактика ишларига қаратилган. Мавжуд 16 та марказий милиция таянч пунктида олиб борилаётган самарали ишлар натижасида аҳоли осойишталиги таъминланмоқда. Бундан ташқари, пост-патрул хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги бўлими каби ҳар бир йўналишларда иш қизғин. Муаммолар ҳам етарли. Ана шу муаммоларни бартараф этиш учун ИИБ идоралари ходимлари матбуот орқали одамлар орасига кириб бориши, содир этилаётган ҳар бир жиноят, кўнгилсизликларнинг оқибатини очиб беришлари керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳамкорлик жуда зарур.

**(Ўз мухбиримиз)**

● Луқма

# ТЕЖАМКОРЛИКнинг ТАРТИБИ БОРМИ? ЁКИ...



Урганч шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан ғалати тажриба ўтказиляпти. Бу ердаги мутасаддиларнинг ихтироси билан ҳар куни тунги соат 24.30 дан эрталабки 6.30 гача, баъзан 7.30 гача электр қуввати узиб қўйилади. Бу, уларнинг таъбири билан айтганда, «электр қувватини тежаш» экан.

Баъзан кундуз кунлари ҳам 5-6 соатлаб электр қуввати ўчириб қўйилади. Ҳисоблаб кўрилса, хонадонларда суткасига 10-11 соат электр қуввати бўлмас экан. Аҳоли бундай чеклашлар туфайли маиший электр асбоб-ускуналарининг, жумладан, совутгич, телевизор, компьютерларнинг тез ишдан чиқишидан азият чекмоқда.

— Электр энергиясининг узиб қўйилиши табиий ҳолга айланиб қолди, — дейди шаҳардаги «Саховат» маҳалласида истиқомат қилувчи пенсионер Рўзмат Юсупов. — Электр асбобларининг ишдан чиқиши, тез айнийдиган маҳсулотлардан кўрадиган заримиз билан мутасаддиларнинг иши йўқ шекилли.

— Электр энергиясининг огоҳлантирмасдан ўчириб қўйилиши қонунга хилоф эканлиги ҳақида тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик, — дейди «Гулчилар» маҳалласида яшовчи пенсионерлар Лайло Мирзаева ва Назира Шариповалар. — Раҳбарлар бу ҳолни кузги-қишки мавсумга тайёргарлик, авария ҳолатлари билан изоҳлашади. «Лимитдан ўтиб кетдик, шу сабабли «ограничение» дейишади гоҳида. Агар ўчириш қонуний бўлса, нега огоҳлантиришмайди. Ҳеч бўлмаса электр асбобларини ток манбаидан олиб қўйиб, уларни бузилишдан асраб қолармидик...

«Кино плюс DVD» МЧЖ раҳбари Руслан Машариповнинг ҳам ҳасратидан чанг чиқади:

— Аҳолига кино хизмати кўрсатишни бошлаган эдик. Асосан ўзимизда, Ўзбекистонда суратга олинган фильмларни намойиш этамиз. Мижозларимизнинг кўпчилиги ёшлар.

Кейинги пайтда огоҳлантирмасдан электр қувватини узиш ҳоллари фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатяпти. Баъзида намойиш пайтида чироқ ўчиб қолади. Шундай пайтда мижозларга чипта ҳақини қайтиб беришдан бошқа иложимиз қолмайди...

Тўғри, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик, авария ҳолати бўлиши мумкиндир. Аммо, бундай ҳолат сурункасига давом қилмаса керак?!

«Лип» этиб чироқ ўчган заҳоти истеъмолчилар шаҳар электр тармоқлари корхонаси навбатчисига қўнғироқ қилишади. Телефон рақами доимо банд бўлади, омадингиз чопиб улансангиз ҳам доим бир хил жавоб эшитасиз: «Авария бўлди, бир соатда ёнади», «Тахтиатош линия ўчириб қўйди», «Подстанцияда авария бўлди, ремонт кетяпти», «Қарздорлик кўпайиб кетди, шунинг учун ўчирдик...»

Қизиқ, фойдаланилган электр ҳақини мунтазам тўлаб турадиган истеъмолчига бу баҳонанинг қандай алоқаси бор? Корхона бу чораларни фақат қарздорларга нисбатан кўрса бўлмайдими?

Бозор иқтисоди шароитида яшаяпмиз. Мамлакатимизда товар ва хизматлар етказиб берувчи ҳамда истеъмолчи муносабатларини тартибга солувчи қонунлар бор, уларга риоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Аммо, бу қонунларнинг электр қуввати етказиб берувчи «монополист» корхоналарга алоқаси йўқ шекилли.

ЎзХДП вилоят кенгаши монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг вилоятдаги ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларга бағишланган давра суҳбатида шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари Умар Исмоилов аҳволни тузатиш ҳақида ваъда берган эди. Ушбу ваъданинг бажарилмаётганига ҳам беш ойдан ошди.

Яқинда ЎзХДП вилоят кенгашининг жамоатчилик қабулхонасига бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, партия фаоллари худди шу мавзудаги шикоят билан мурожаат қилишди.

Биз уларнинг шикоятини «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбарларига партиямиз нашри орқали етказишга қарор қилдик...

**Қаландар САМАНДАРОВ,**
**ЎзХДП Хоразм вилояти кенгаши ходими**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**
**«Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Б.Тешабоев яқиндагина миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот конференциясида «...Вазирлар Маҳкамасининг 32-қарори асосида тасдиқланган «Электр қувватидан фойдаланиш қоидалари»га асосан авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида белгиланган тартиб бўйича ўчириш қонуний эканлигини айтди. Аммо, қонунга зид ўчириш ҳоллари учун айбдорларга нисбатан тегишли чора кўришга тайёр эканлигини билдирди. Балким, Урганчдаги аҳволдан раиснинг хабари йўқдир?**

● Футбол

# БОШ МУРАББИЙНИНГ ИСТЕЪФОСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Валерий Непомняший истеъфога чиқди



*Ёдингизда бўлса, у шу йилнинг бошида Ўзбекистон терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланган эди.*

*Унинг истеъфога чиқишига сабаб, соғлиги ёмонлашгани бўлди.*

*— Мен Ўзбекистонда ўн ой ишладим, — дея интервью берди Валерий Непомняший uzfootball.com сайтига. — Бу ерда фақат ғалаба қозониш талаб этилади. Шунга қарамай, мен бу ерда ишлаб роҳатландим. Ишқибозлар, ўзбек халқи кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиб турди. Нима бўлганда ҳам мен Ўзбекистон терма жамоасининг ўйинларини эътиборсиз қолдирмайман. Бироқ Осиё чемпионатини стадиондан туриб кузата олмайман. Саломатлигимни тиклашим керак.*

## «ПЕНСИОНЕР»... ЗИДАН БОЙИМОҚДА



*Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида энг яхши ўйинчи номини олган Франция терма жамоасининг собиқ сардори Зинедин Зидан катта спорт билан хайрлашгандан кейин ҳам дунёдаги моҳир футболчилардан кам сармоя топмаяпти. «Le Parisien» газетасининг ёзишига қараганда, «Adidas», «Danone», «Generali» ва «Orange» фирмалари билан реклама учун тузган шартномалари ҳамда телевидениедаги шарҳлашлари самараси ўлароқ Зидан кунига 11 минг евро топаётган экан.*

## РОНАЛДИНЬО ОЗМАСА БЎЛМАЙДИ



*Испаниянинг «Барселона» ҳамда Бразилия терма жамоасининг ҳужумкор ярим ҳимоячиси Роналдиньо махсус ишлаб чиқилган парҳезга риоя қилишга мажбур бўлмоқда. Боиси у бироз озмаса бўлмайдиган кўринади. Агар ярим ҳимоячининг шу йилги мавсум бошида бўйи 1,80 метрни ташкил этиб вазни 80 кг. етган бўлса, 2 ойдан кейин унинг вазни 5 кг.га ортган. Шифокорлар унинг учун алоҳида парҳез буюриб, мутлақ иссиқ таом емасликни илтимос қилишди. Парҳез ва алоҳида ҳаракатлардан кейин бразилиялик футболчи бор-йўғи 3 кг.га озган. Лекин Роналдиньо майдонда ўзини эркин ҳис этмоқда. Испания чемпионатида дарвозага 8 та тўп киритиб Рууд ван Нистелрой («Реал»), Фредерик Кануте («Севилья») ҳамда Диего Милито («Сарагос») каби ҳужумчиларга тенглашиб олди.*


**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2006 йилнинг 22,26,29 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

**Савдоларга қуйидагилар қўйилади:**

*Тошкент шаҳар, Я.Ғуломов кўчаси, 66-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AJ 910 бўлган «РАФ 2203» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 218 000 сўм;*

*Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони 5/3-уйда жойлашган, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 1997 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 UZ 447 бўлган «Супер салон» русумли автотранспорт воситаси,* ***бошланғич нархи — 6 500 000 сўм;***

*Ҳамда «Ўзбекистон шампани» очиқ акциядорлик жамияти балансидаги 100 дона Е-1500 русумли цистерналар.* ***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.***

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

*Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

***Савдолар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 133-23-40.***

***Гувоҳнома № 000815***


*2006 йилда Айдинов Бахтиёр Кахормонович номига берилган Тошкент банк коллежи томонидан К №056031-сонли диплом йўқолганлиги сабабли*
***БЕКОР ҚИЛИНАДИ***

Қозоғистондаги «Дони-Нон» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоаси «Нерудник» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Рауфхон Шариповга отаси
**АСЛАНХОН ҳожи ота**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Bobir ALIMOV**
**Turobjon JO`RAYEV**
**Feruz NAZIROV**
**Ulug`bek MUSTAFOYEV**
**Baxtiyor DO`SJONOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**Akbar JONUZOQOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Ma`murjon QIYOMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 1350
*7112 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 22.00
Topshirish vaqti — 23.00
2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**